

## Инвестициялар ва қурилиш

2017 йил январь-сентябрда вилоятнинг асосий капитални кўпайтиришга 1579 млрд. сўм миқдорида инвестициялар киритилди ва ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ўсиш суръати 88,9 фоизга бажарилди.


Молиялаштириш манбалари бўйича асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг тақсимланиши қуйида келтирилган:

	млрд.сўм	ўсиш суръати, %	яқунга нисбатан фоиз
<b>Асосий капиталга киритилган инвестициялар</b>	<b>1579,0</b>	<b>88,9</b>	<b>100</b>
шу жумладан			
<b>Марказлашган инвестициялар:</b>	<b>162,4</b>	<b>74,4</b>	<b>10,3</b>
бюджет маблағлари	56,4	93,9	3,6
давлат мақсадли фонд маблағлари	101,5	81,9	6,4
тикланиш ва тараққиёт фонди маблағлари	-	-	-
болалар спортини ривожлантириш	2,9	10,9	0,2
хукумат қафолати остида чет эл кредитлари	1,6	20,6	0,1
<b>Марказлашмаган инвестициялар</b>	<b>1416,6</b>	<b>90,9</b>	<b>89,7</b>
корхоналарнинг ўз маблағлари	365,2	129,0	23,1
аҳоли маблағлари	595,9	72,6	37,7
хорижий инвестиция ва кредитлар	154,7	211,9	9,8
тижорат банк кредитлари ва бошқа қарз маблағлари	300,8	78,9	19,1

2017 йил январь-сентябрда асосий капиталга инвестицияларнинг технологик таркиби куйида келтирилган:

	жами	Давлат	Нодавлат
<b>Жами, млрд. сўм</b>	<b>1579,0</b>	<b>178,7</b>	<b>1400,3</b>
шу жумладан: умумий ҳажмга нисбатан фоиз кўринишида	100	100	100
қурилиш-монтаж ишлари	61,4	78,3	59,3
машина, ускуналар, транспорт воситалари ишлаб чиқариш ва хўжалик жиҳозлар	34,4	16,4	36,7
Бошқа ҳаражатлар	4,2	5,3	4,0

Асосий капиталган киритилган инвестициялар ва кредитларни иқтисодий фаолият турлари бўйича куйидагича ифодаланади:



- Уй-жой қурилиши
- Ишлаб чиқарадиган саноатда
- Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялашда
- Улгуржи ва чакана савдо, моторли транспорт воситалари ва мотоциклларни таъмирлаш
- Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида
- Ташиш ва сақлашда
- Тоғ-кон саноати ва очик конларни ишлаш
- Қурилиш
- Профессионал, илмий ва техник фаолият
- Бошқа турдаги хизматлар кўрсатиш
- Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш
- Бошқа фаолият турлари

### Ижтимоий соҳа объектларини қуриш

2017 йил январь-сентябрь ойларида умумий майдони 648,9 минг кв.м. бўлган 7445 та (2016 йил январь-сентябрга нисбатан 87,9 фоиз), шу жумладан қишлоқ жойларида 499,8 минг кв.м. (90,9 фоиз) уй-жой фойдаланишга топширилди. Ноишлаб чиқариш соҳасига киритилган инвестициялар ҳажмидан 612,6 млрд. сўми ёки 77,0 фоизи уй-жой қурилишида ўзлаштирилди.

Умумтаълим мактаблари, касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар, мусика ва санъат мактаблари қуриш, қайта таъмирлаш ҳамда касб-ҳунар коллежларига ва умумтаълим

мактабларига спорт иншоотлари қурилишида 38,9 млрд. сўмлик инвестициялар ўзлаштирилди, бу ноишлаб чиқариш соҳасига йўналтирилган инвестицияларнинг 4,9 фоизини ва таълим соҳасига киритилган инвестицияларнинг 70,8 фоизини ташкил қилди.

Соғлиқни сақлаш объектларини қуриш ва реконструкция ишларида 28,7 млрд. сўмлик инвестициялар ўзлаштирилди, бу ноишлаб чиқариш соҳасига йўналтирилган инвестицияларнинг 3,6 фоизини ва соғлиқни сақлаш соҳасига киритилган инвестицияларнинг 33,7 фоизини ташкил қилди.

Коммунал қурилиш соҳасида 117,5 км узунликдаги ичимлик суви, 6,8 км узунликдаги газ тармоқлари ишга туширилди, бу 2016 йил январь-сентябрга нисбатан мос равишда 128,8 ва 5,2 мартани ташкил қилди.

Ичимлик суви тармоқлари қурилишига аҳоли маблағлари ҳисобига 459,4 млн.сўм, миқдорида инвестициялар ўзлаштирилди.


**Қурилиш фаолияти.** 2017 йил январь-сентябрда 1358,5 млрд. сўмлик қурилиш ишлари бажарилиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ўсиш суръати 95,0 фоизга бажарилди.

Қурилиш ишлари умумий ҳажмининг 82,5 фоизи бинолар ва иншоотларни қуриш бўйича қурилиш ишлари, 5,5 фоизи фуқаролик қурилиши объектларини қуриш бўйича қурилиш ишлари ва 12,0 фоизи ихтисослаштирилган қурилиш ишларига тўғри келди. Шу жумладан умумий ҳажмдан 76,1 фоизи янги қурилиш, реконструкция ва кенгайтириш ҳамда техник жиҳатдан қайта жиҳозлашга тўғри келади.

Нодавлат мулкчилик шаклидаги ташкилотлар томонидан 1305,5 млрд. сўмлик қурилиш ишлари амалга оширилиб, жами қурилиш ишлари ҳажмидаги улуши 96,1 фоизни (2016 йил январь-сентябрга нисбатан ўсиш суръати 96,1 фоизни) ташкил қилди.

Мулкчилик шакллари бўйича курилиш ташкилотларининг ўз кучлари билан бажарган курилиш ишлари тақсимоти қуйидагича ифодаланади:

умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида



## Транспорт

**Юк ташиш.** 2017 йил январь-сентябрда барча транспорт турлари томонидан 46,3 млн. тонна юк ташилган бўлиб, бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 108,3 фоизга кўп.

Юк айланмаси барча транспорт турлари томонидан 1886,4 млн.тн-км. ни ташкил қилди ва 103,6 фоизга тенг бўлди.

Юк ташиш ва юк айланмаси транспорт турлари бўйича қуйидагича ифодаланади:

	2017 йил январь-сентябрь	2016 йил январь-сентябрга нисбатан фоиз ҳисобида
Ташилган юк, млн. тн	46,3	108,3
шу жумладан:		
автомобил транспортида	46,3	108,3
Юк айланмаси, млн. тн-км	1886,4	103,6
шу жумладан:		
автомобил транспортида	1886,4	103,6

Якка тартибдаги тадбиркорларнинг автомобил транспортининг юк айланмаси 2016 йил январь-сентябрга нисбатан 103,6 фоизга кўпайди ва 1886,4 млн. тн-км. ни ташкил қилди. Юк айланмасининг умумий ҳажмида хусусий юк ташувчиларнинг улуши 85,1 фоизни ташкил этди (2016 йил январь-сентябрда 86,5 фоиз).

**Йўловчи ташиш.** 2017 йил январь-сентябрда барча транспорт турлари томонидан 363,8 млн. киши ташилган бўлиб, бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 104,4 фоизга кўпайган. Йўловчи ташиш айланмаси ушбу даврда 102,8 фоизга кўпайиб, 3538,9 млн. йўловчи-км. ни ташкил қилди.

Транспорт турлари бўйича йўловчи ташиш ва йўловчи айланмаси қуйидагича ифодаланади:

	2017 йил январь-сентябрь	2016 йил январь-сентябрга нисбатан фоиз ҳисобида
Транспортда ташилган йўловчилар, млн. киши	363,8	104,4
шу жумладан, автомобил транспортида	363,8	104,4
Йўловчи айланмаси, млн. йўловчи-км	3538,9	102,8
шу жумладан, автомобил транспортида	3538,9	102,8

Хусусий йўловчи ташувчилар автомобил транспортида йўловчи айланмаси 2016 йил январь-сентябрга нисбатан 107,3 фоизга кўпайди ва 2944,3 млн. йўловчи-км. ни ташкил қилди. Йўловчи айланмасининг умумий ҳажмида хусусий йўловчи ташувчиларнинг улуши 83,2 фоизни ташкил этди (2016 йил январь-сентябрда 79,7 фоиз).